

**“Ангрен логистика маркази” АЖ
акциядорларига
(рўйхат бўйича)**

Сизга “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2019 йил 30 июнь куни соат 11:00 да Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Ипак йўли кўчаси, 1-уйда жойлашган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биносида бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Кун тартиби:

1	“Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.
2	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
3	“Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг 2018 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
4	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
5	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
6	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида.
7	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
8	2018 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида.
9	“Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида.
10	“Ангрен логистика маркази” АЖ тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш тўғрисида.
11	Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида.
12	“Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини акциядорларнинг 2019 йил яқунлари бўйича ўтказиладиган навбатдаги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар узайтириш тўғрисида.
13	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида.

Навбатдаги йиллик умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2019 йил 26 июнь куни шакллантирилади.

Акциядорлар 2019 йил 30 июнь куни соат 10:00 дан соат 11:00 гача рўйхатдан ўтказилади. Рўйхатдан ўтиш учун ациядорлар фуқаролик паспортини, акциядорларнинг вакиллари фуқаролик паспорти ва ишончномани тақдим этишлари шарт.

Кун тартибидаги масалалар бўйича материаллар ва маълумотлар билан акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган кунга қадар Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Ипак йўли кўчаси, 1-уйда жойлашган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биносида иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача ёки 78-150-35-35 телефон орқали, ҳамда жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайти, clangren@bk.ru электрон манзил орқали танишиш мумкин.

Кузатув кенгаши